

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҶЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**  
Ўз РССВ Фан ва таълим  
бошқармаси бошлиғи  
Ў.С. Исмаилов  
2021 йил «30» ғеваръ  
№ 1 баённома

**«КЕЛИШИЛДИ»**  
Ўз РССВ Тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази  
директори  
Н.Р. Янгиева  
2021 йил «15» ғеваръ  
№ 1 баённома

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА  
ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Тиббиёт олий таълим муассасалари педагоглари ва  
магистратура талабалари учун ўқув – услубий қўлланма**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING  
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANТИРИШ  
MARKAZI TOMONIDAN  
RO'YHUTSA OLINDI  
№ 23  
21. ғеваръ 2021 yil

**Тошкент – 2021**

Матназарова Г.С., Миртазаев О.М.,Расулов Ш.М./« Эпидемиология фанини ўқитища инновацион педагогик технологиялар»: ўқув-услубий қўлланма/ ТТА нашриёт ва муҳарририят бўлими, 2021– Ташкент – 40 б.

**Тузувчилар:**

**Матназарова Г.С.** Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори

**Миртазаев О.М.** Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

**Расулов Ш.М.** Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси PhD докторант

**Тақризчилар:**

**Искандарова Г.Т.** Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази, эпидемиология кафедраси мудири т.ф.д., профессор

**Абдуқаҳарова М.Ф.** Тошкент тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси доценти, т.ф.н.

Ўқув – услубий қўлланма Тошкент Тиббиёт Академияси “Марказий-услубий ҳайъати” кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди. «24» ноябрь 2020 йил. баёни № 3

Ўқув – услубий қўлланма Тошкент Тиббиёт Академияси “Илмий кенгаш” томонидан кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди. «25» декабрь 2020 йил. баёни №7

**Илмий котиб т.ф.д., профессор**

**Исмаилова Г.А.**

© Матназарова Г.С., Миртазаев О.М.,Расулов Ш.М.

© Тошкент тиббиёт академияси, 2021

## **МУНДАРЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>I-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>	
<b>1.1. Эпидемиология фани тараққиётининг устувор йўналишлари.....</b>	<b>8</b>
<b>1.2. Эпидемиология фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....</b>	<b>11</b>
<b>II-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ</b>	
<b>2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи (Слабус).....</b>	<b>15</b>
<b>2.2. Ўқув машғулотлар технологияси.....</b>	<b>22</b>
<b>III-БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ БҮЙИЧА КЎРСАТМАЛАР</b>	
<b>3.1. Педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усуллари.....</b>	<b>28</b>
<b>Хуносалар.....</b>	<b>35</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>36</b>

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида инсонни интелектуал ва маънавий–ахлоқий тарбиялаш билан узвий боғланган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш назарда тутилган.

Узлуксиз таълим тизими олдидағи мазкур вазифаларни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига, самарадорлик эса ўз навбатида таълим олувчилар ва берувчиларнинг фаолиятини ташкил этилиши ва фаоллаштирилишига боғлиқдир.

Маълумки, амалиётга янги ўкув режа, давлат таълим стандартлари ва дастурлар, дарсликларнинг янги авлодлари тақдим этилди. Шуларнинг давоми сифатида, бугун таълим соҳаси масъуллари олдида турган долзарб масалалардан бири педагогик технологиялар асосида, инновацион ёндашувлар орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Махсус таълим муассасалари педагогик ходимларининг янги, илғор педагогик технологиялар, жумладан ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларини билиши, унинг учун тегишли маълумотларни ўрганиши, тахлил қилиши ва умумлаштириши, амалиётда қўллай олиши бугунги куннинг ижтиомий аҳамият касб этувчи талабидир.

Педагог ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, педагогик маданият ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак.

Воситалар хилма хил ва қанчалик замонавий бўлмасин ўқитувчи ва тарбиячининг маҳорати ва унинг ўз ишига маъсулияти етарли бўлмаса, бундай жараён самарасиз якунланади.

### **Ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг долзарблиги:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан урашувда шундай дедилар: “бугунги замон барча соҳалар қаторида илм – фанни ҳам янги босқичга кўтарилишини талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани қўллаб қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир”.

Аввало, нега бугунга келиб педагогик технологияга қизиқиши шунчалик кучайди, деган савол туғилади. Айтиш лозимки. Ривожланаётган давлатларда, одатда, биринчи навбатда, педагогик технологияларга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, янги

педагогик технологиялар билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда. Чунки ҳозирги даврда таълим олиш жараёни технологияларни қўллашни тақозо қилади. Бу эса ўқувчиларга замонавий ахборотга эга бўлиш, бошқа тенгдошлари билан узоқдан туриб фикр амлашиш имкониятини яратади. Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш талабаларни билимларни фаол ўзлаштиришга ўргатади. Ҳозирги кунда амалиётга кенг тадбиқ қилинаётган технологиялардан бири бу инновацион технологиясидир. Инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим бериш талабаларга билимларни фаол ўзлаштиришга ўргатади. Илгари ўқитувчи ўқитишида асосий ўринни эгаллаб талаба эса бу жараённинг пассив иштироқчиси бўлиб келган. Шунинг учун ҳозирги пайтда илмий-техниканинг юксак даражада ривожланаётган даврига келиб, талаба ўзлаштириши зарур бўлган илмий ахборот ҳажмининг кескин ошиб кетиши инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим беришни тақозо қилади.

Инновация – лотинча сўз бўлиб ”янгилик киритаман, тадбиқ этаман, ўзгартираман“ деган маънони билдиради. Кенг маънода қараганда таълим тизимидағи ҳар қандай ўзгариш бу педагогик инновациядир. **Инновация** – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият. Инновацион таълим жараённада қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади. Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

### **Тадқиқотнинг предмети ва обьекти.**

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Эпидемиология фани ҳамда обьекти сифатида эса тиббий-профилактика иши йўналишининг талабалари хизмат қилади.

### **Инновацион педагогик технологияларни ўқитишининг мақсади:**

Фаннинг ўқитиши мақсади - эпидемиологиянинг умумий тиббиёт фани сифатида эпидемик жараённинг асосий қонуниятларини ўрганувчи фан сифатидаги назарий билимлари ва услубий асосларини билган ҳолда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш учун эпидемиологик ташхис қўйиш усулларини ўзлаштирган, даволаш профилактик муассасаларда ва касаллик ўчоқларида, шунингдек экстремаль шароитларда келиб чиқиши мумкин бўлган эпидемиологик оқибатларда профилактик услубларни қўллаш ҳамда эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича амалий қўнималарини мукаммал эгаллаган “Тиббий профилактика иши” йўналиши бўйича бўлажак мутахассис – ДСЭНМ шифокорларини мақсадга мувофиқ равишда тайёрлашни таъминлашдан иборат

Фанда ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, ҳамда танланган мавзу мазмуни, усули, шакли инновацион технологияга

боғлиқлиги. Танланадиган технология ўқитувчи ва талабанинг ихтиёрида бўлиб, бунда ўқитувчи билим савиаси ва шароитга боғлиқ бўлган ҳолда, компьютер, видео-фильм, тарқатма материал, чизмалар, плакатлар, адабиётлар ва бошқа ахборот технологияларни ўз ичига олиши мумкин. Шунинг билан бирга ўкув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш лозим. Ана шу йўл билан ўқитувчи Эпидемиология фанини ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг фан бўйича эгаллашлари зарур бўлган билимларни ўzlари қидириб топишига ва мустақил ўрганишига, таҳлил қилиш ҳамда олинган маълумотлардан ўzlари хулоса чиқаришига ўргатиб боради.

### **Инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг асосий вазифаси:**

Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиши ва уларни қўллашда қўйидаги вазифалар белгиланади ва ҳал этилади:

- педагог-ўқитувчиларни замонавий инновацион педагогик технологиялар ва илфор хорижий тажрибалар асослари билан таништириш – маъруза, адабиётлар тавсия этиш;

- замонавий педагогик технологиялар асосида ишлашни хоҳловчи фидойи ўқитувчиларни аниқлаш. Улар орқали педагог-ўқитувчиларга замонавий педагогик технологияларни қўллашдан кўзда тутилган мақсадни, унинг моҳиятини етказиши;

- замонавий таълим технологиялари асосида ишламоқчи бўлган педагог-ўқитувчиларни замонавий педагогик технологиялар қўллаш жараёнига тайёрлаш юзасидан қўйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш:

- таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш, таълим (тарбия) жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш, таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, усул ҳамда техник воситаларни танлаш, таълим жараёнида талабанинг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шартшароитларни яратиш, уларда маълум кўнукма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш, талабалар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш билан боғлиқ семинарлар, тренинглар, индивидуал маслаҳатлар бериш, кўргазмали дарслар ташкил этиш;

- замонавий педагогик технологиялар асосида ишловчи педагог-ўқитувчиларнинг таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашуви самарадорлигини баҳолашнинг ишонарлилигини таъминлаш учун унинг мониторингини олиб бориш, кузатув ва таҳлиллар ўтказиши, методик ёрдамлар кўрсатиши ва уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- замонавий педагогик технологиялар асосида ишловчи педагог-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини машғулотлар жараёнида синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш ва замонавий педагогик технологиялар бўйича ишлашнинг

афзалликларини инноватор ўқитувчиларни кафедра йигилишларидағи илмий-услубий семинарларда, олий ўқув юртлари илмий кенгашларыда чиқишлигини ташкил этиб, педагогик жамоа томонидан құллаб-қувватланишини таъминлаш;

• олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган замонавий педагогик технологиялар бүйіча ишловчи инновацион (педагогик технология) марказлар зарур дидактик ва методик материаллар, техника воситалари билан таъминланиши зарур;

• педагогик технологиялар ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлган илғор педагог-ўқитувчидан инноватор педагогик жамоани шакллантириш

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар дарслар, эвристик методлар;

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хори-жий таълим технологияларини қўллаш бүйіча билимларга эга бўлиши;

- модул блокларини тайёрлаш;

Ушбу малакани ҳимоя қилиш ишининг асосий мақсади тиббий таълим жараёнида қўлланилаётган педагогик технологияларни танлаш, тадбиқ этиш ва ундан кутилаётган натижа маҳорати ҳақида тушунча беришdir.

### **Тадқиқотнинг амалий аҳамияти**

Эпидемиология фани тараққиётининг устувор йўналишларини ёритиш, ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар қўлланишини ўрганиш, ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи, маъруза матни, фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар, назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар, мавзулар юзасидан тақдимотлар намойиш этилиши, шунингдек. хулоса ва тавсиялар берилиши ушбу фанни ўқитишда инновацион илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларни амалиётда қўлланиш даражасини таҳлил қилиш ҳамда унга баҳо беришга имкон яратади. Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қўйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедия воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиши, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

# **I-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1. Эпидемиология фани тарақиётининг устувор йўналишлари.**

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра “Педагогика” ва “Соғлиқни сақлаш” таълим соҳаларида ўқитиладиган эпидемиология фани умумий, хусусий бўлимларидан ташкил топган. Аҳоли касалланишларининг эпидемиологик қонуниятлари, фан тарихи ва ривожланиш тенденцияси, истиқболи масалаларини қамраб олади ҳамда бўлғуси умумий амалиёт врачларида эпидемиологик, мантиқий ва клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.

**Эпидемиология** – умумий патология ва клиник тиббиётнинг популяция даражасида касалланишни ўрганадиган назарий асоси хисобланади.

**Эпидемиология** – эпидемик жараённинг қонуниятлари ва уни ўрганиш услублари, шунингдек алоҳида аҳоли гурухларининг юқумли касалликлар билан касалланишларининг олдини олиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ва айрим касалликларни батамом тугатиш мақсадида олиб бориладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуаси ва уларни ўтказилишини ташкил қилиш ҳақидаги билимлар тизимиdir.

**Фанинг ўрганиши соҳаси** – аҳолининг касалланиши табиати ва учраши, интенсивлиги жиҳатидан хилма хил бўлган атроф муҳит омилларининг фенотипик ва генотипик жиҳатидан гетероген ва шу омиллар таъсирига мойиллик даражаси динамик тартибда ўзгарувчан бўлган аҳоли жамоаси (популяцияси) билан ўз аро муносабати натижасидир.

Эпидемиология фанини ўқитишдаги халқаро тажрибалар, Умумжаҳон тиббий таълим федерацияси тавсиялари ва Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиши ва ногиронлиги даражасини камайтирилишига, шунингдек эрта ўлимни олдини олишга таъсир этаоладиган мутахассислар тайёрлашни кўзда тутган, тиббий таълимнинг профилактик йўналишини кучайтириш каби Ўзбекистон Республикаси Олий тиббий таълимининг ривожлантириш концепцияси ҳолатлари эътиборга олинган.

Эпидемиология фанининг ҳозирги замон тараққиёти даражаси ва тиббий-санитария ёрдам концепцияси асосий ҳолатларининг аҳоли касалланишининг олдини олиш яъни профилактикасига таалуқли ҳолати асосидаги Ўзбекистон Республикаси талаб доирасини эътиборга олган ҳолда тузилган.

**Шуни таъкидлаш лозимки, таълим тизими тиббий фанлар профессор-ўқитувчилари зиммасига алоҳида вазифа юклайди. Чунки тиббий фанларни ўқитишдан, таълим ва тарбия беришдан мақсад келажакда Ватанимизга садоқатли, билимли, ўз ватани учун ифтихор туйғуси шаклланган, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат билан қарайдиган, комил инсон кадрларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.**

Шу билан биргаликда тиббий фанларни ўрганиш жараёнида талабада юртимизда амалга оширилаётган тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар жараёнидан хабардор бўлишни ва бу жараёнларни фаол қузатиб боришни ҳамда унга боғлиқ фикр мулоҳазаларини мустаҳкамлашни талаб этади. Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларини белгилашмиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади.

Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади. Олий таълимни амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қўйидагиларга асосланади:

- Олий таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- Олий таълим мақсадининг натижага эришуви (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- Олий таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиқсан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- Олий таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

## **Ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқлар таҳлили.**

Тингловчиларга илғор педагогик технологиялар ҳақида тушунча бериш. Дарс жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар мавзуни ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- Талабалар илғор педагогик технология элементларини фарқлай олади;
- Талабалар педагогик жараён элементларини санаб берадилар;
- Талабаларда “Замонавий педагогик технологиялар”га оид билимларини такомиллаштириш ва улардан ўз тиббий-педагогик фаолиятларида фойдалана олиши малакаларини шакллантириш;
- Талабаларда “Замонавий таълим технологиялари” ҳақида тушунчаларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- Талабаларда “Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш” га оид назарий билим ва амалий кўникмаларни таркиб топтириш;
- Талабаларда “Замонавий педагогик технологиялари асосида ўқув жараёнини лойихалаштириш ва амалга ошириш” ҳақида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

- Талабаларда “интерфаол усулни” қўллаш натижасида олган билимини жамлаш, таҳлил қилиш ва амалиётга тадбиқ қилиш фаолиятини шакиллантириш.

Педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, улар қуидагича таърифланади:

- Педагогик технология – бу, таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир (ЮНЕСКО).

- Педагогик технология – бу, ўқитувчи амалиётга жорий этиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир.

-Педагогик технология – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Ўқитиш технологияси – ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланилладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

Тарбия технологияси – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига ва уларни дарс жараёнига фаол иштирок этишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда чарх палак, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар, график органайзерлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. Интерфаол методлар деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

## **1.2. Эпидемиология фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар:**

Ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтаришнинг асосий омили бу инновацион таълим технологиялари ва олий таълимни модернизациялашдир. Инновацион таълим технологияларининг мақсади: Назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш.

Тингловчилар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф бера олади;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;
- таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиш ва ўқиш циклининг босқичларини фарқлай олади;
- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажрата олади;
- таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси” ни ўрганиш даражаси 6 погонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«**Билиш**» даражаси когнитив соҳанинг энг қуи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслashi, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«**Тушуниш**» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«**Қўллаш**» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади. Таҳлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имконини беради.

«**Синтез**» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имконини беради.

«**Баҳолаш**» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга тааллуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутади.

Эпидемиология фанини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда

тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этиши керак: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш усули таълим олувчи фаолиятини активлаштиради. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини ижодий тарзда қўлланилиши диалектик мушоҳадани шакллантиради ва ривожлантиради натижада талабани мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

**Ўқитишининг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитиши ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гурух.

**Ўқитиши воситалари** ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ, жорий ва якуний назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиши диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида препаратлар диагностикаси ва тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимларини баҳолаш.

“Эпидемиология, ҳарбий эпидемиология” фанини ўқитиши жараёнида компьютер технологиясидан, ўргатувчи компьютер дастурларидан фойдаланилади, мавзулар бўйича тарқатма материаллар тайёрланади. Табалар билимини баҳолаш оғзаки, компьютерли тест шаклларида амалга оширилади.

### **Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади.**

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланувчанликка имкон яратиш;
- ўқувчининг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- ўқувчини ҳар қандай муаммога ижодий ёндошувга ўргатиш;
- педагог ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Интерфаол усуллардаги дарслар талабани ижодий фикрлашга олинган ахборотларни фаолликда ҳал этишга, фикрни эркин баён этишга, ташаббускорликка, гурухларда масалалар ечимини топишга, ҳамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлайди. Интерфаоллик асосида дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам талаба четда қолмайди, яъни улар кўрган билган ўйлаган фикрларини очик ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларни ташкил этишда ўқув жараёнида якка тартибда ва жуфт бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, ролли ўйинлар, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин. Интерфаол усулларнинг шакллари: карусель, кичик гурухларда ишлаш, аквариум, тугалланмаган гаплар, мантиқий саволлар сандиқчаси, ролли ўйинлар, мунозара ва дигерлар.

Интерактив методлар бу жамоа бўлиб ишлашдан иборат. Бу методни ўзига хослиги шундаки улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Интерактив методларни асосий вазифаси янги билимларни эгаллаш, эгаллаган билимларни текшириш ва уни амалиётда текшириб кўриш, касбий тайёргарлик (малака, қўникма)

хосил қилиш. Интерактив методлар турли хил дидатик ўйинлар ёрдамида амалга оширилади.

Хар бир дарсга талабалар қизиқиши мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда ўзига хос технология услублари қўлланилади. Дарснинг инновацион технологик харитаси олдиндан лойиҳалаштирилади.

**Инновация** – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият. Инновацион таълим жараёнида қўлланилдиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади. Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчasi биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Инновацион таълим технологиялари инглиз-чадан олинган “innovation” янгилик киритиш, яъни педагогик жараёнда талаба ва ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши, ўқув жараёнида интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланишни ўз ичига олади.

**П-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ  
МОДУЛИ ИШЛАМАСИ.**

**Фаннинг 2017 / 2018 ўқув йили учун тиббий-профилактика 4-курс  
талабаларига**

**мўлжалланган электрон модул таркиби:  
«ЭПИДЕМИОЛОГИЯ»**

**Фаннинг 2017/2018 ўқув йили учун мўлжалланган  
СИЛЛАБУСИ**

**2.1 Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи (слабус)**

Фаннинг қисқача тавсифи			
<b>ОТМинг номи ва жойлашган манзили:</b>	<b>Тошкент тиббиёт академияси</b>		Шифокорлар шахарчаси Фаробий кўчаси-1
<b>Кафедра:</b>	Эпидемиология		
<b>Таълим соҳаси ва йўналиши:</b>	510000 – Соғлиқни сақлаш	5510300 – Тиббий профилактика иши	
<b>Фанни олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:</b>	<i>Расулов Шомурод Махмудович</i>	tma.uz	shomurod.rasulv@tma.uz
<b>Дарс вақти ва жойи:</b>	8 <sup>30</sup> - 13 <sup>20</sup> Эпидемиология кафедраси	<b>Курснинг давомийлиги</b>	04.09.2017- 30.05.2018
<b>Индивидуал график асосида ишлаш вақти:</b>	душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума ва шанба кунлари 08 <sup>30</sup> дан 13 <sup>20</sup> гача		
<b>Фанга ажратилган Соатлар</b>	<b>Аудитория соатлари</b>		<b>Мустақил таълим:</b> 118 с
	<b>Маъруза:</b>	20	<b>Амалиёт</b> 192с
<b>Фаннинг бошқа</b>	Эпидемиология фани мутахассислик фани ҳисобланиб,		

**фанлар билан  
боглиқлиги  
(пререквизит-  
лари):**

7, 8, 9,10 семестерларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган биология, микробиология, ички касалликлар, юқумли касалликлар, меҳнат ва коммунал гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, эпидемиология фанларидан етарли билим ва кўнимкамаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг мазмуни**

**Фаннинг  
долзарблиги ва  
қисқача  
мазмуни:**

**Таянч сўз ва иборалар:** Олий таълим, таълим тизими, таълим тамоийллари, ўқув жарёни, таълим парадигмалари, инновация, ўқитувчининг инновацион салоҳияти, ўқитиши методикаси, таълим шакли, метод, дидактика, дидактик материаллар, технологиялар, лойиҳалашибориши, ахборотлашибориши.

**Эпидемиология** – умумий патология ва клиник тиббиётнинг популяция даражасида касалликни ўрганадиган назарий асоси хисобланади.

**Эпидемиология** – эпидемик жараённинг қонуниятлари ва уни ўрганиш услублари, шунингдек алоҳида аҳоли гурухларининг юқумли касалликлар билан касалланишларини олдини олиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ва айrim касалликларни бутунлай тугатиш (йўқотиш) мақсадида олиб бориладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуаси ва уларни ўтказилишини ташкил қилиш ҳақидаги билимлар тизимиdir.

**Фаннинг ўрганиши соҳаси** – аҳолининг касалланиши табиати ва учраши, интенсивлиги жиҳатидан хилма хил бўлган атроф мухит омилларининг фенотипик ва генотипик жиҳатидан гетероген ва шу омиллар таъсирига мойиллик даражаси динамик тартибда ўзгарувчан бўлган аҳоли жамоаси (популяцияси) билан ўз аро муносабати натижасидир.

**Эпидемиология-фан** дастури Давлат таълим стандарти ва Квалификацион тавсиф асосида тайёрланган.

Дастур тузишида эпидемиология фанини ўқитилишидаги халқаро тажрибалар, Умумжаҳон тиббий таълим федерацияси тавсиялари ва Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиши ва ногиронлиги даражасини камайтирилишига, шунингдек эрта ўлимни олдини олишга таъсир этаоладиган мутахассислар

тайёрлашни кўзда тутган, тиббий таълимнинг профилактик йўналишини кучайтириш каби Ўзбекистон Республикаси Олий тиббий таълимининг ривожлантириш концепцияси ҳолатлари эътиборга олинган.

Дастур эпидемиология фанининг ҳозирги замон тараққиёти даражаси ва тиббий-санитария ёрдам концепцияси асосий ҳолатларининг ахоли касалланишининг олдини олиш яъни профилактикасига таалуқли ҳолати асосидаги Ўзбекистон Республикаси талаб доирасини эътиборга олган ҳолда тузилган.

Ушбу дастур юқумли касалликлар ва карантин инфекциялар эпидемиологияси фани бўйича ўқитиладиган талабаларнинг билишлари керак бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар ҳажмини белгилайди.

### **1.1. Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Эпидемиология, ҳарбий эпидемиология фани умум тиббий фанлар мажмуасига таалуқли ва уни «даволаш иши» йўналиши бўйича бўлажак умумий амалиёт врачлари бакалавр мутахассислари тайёрлайдиган факультетларнинг талабаларига 4-курс 7 ва 8 семестрларда ўқитилади.

#### **Фаннинг вазифалари:**

Ҳаётнинг популяция даражасида ташкил топиши тўғрисидаги билимнинг шакилланиши ва унинг тиббиётда акс этиши қонуниятларини ўрганиш;

Одамларнинг патологиясини белгиловчи генотипик, фенотипик ва муҳитий хавфли омилларнинг ўз аро таъсирини ўзлаштириш;

Эпидемиологиянинг умумий тиббиёт фани сифатидаги назарий концепцияси (моҳияти) ва уни эпидемик жараён тўғрисидаги таълимотга илова этилишини тўғри талқин қила билиш;

Эпидемик жараённинг келиб чиқиши, ривожланиши ва намоён бўлиши объектив қонуниятлари ҳақидаги замонавий назарий билимларни эгаллаш;

Бўлажак мутахассисларда эпидемик ҳолатни объектив баҳолашга асосланган эпидемиологик ва клиник фикрлашни шакллантиришдан иборат билимларни эгаллашларини таъминлаш.

Юқумли ва паразитар касалликларга қарши ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш учун умумий амалиёт шифокор-лари фаолиятида

	<p>қўлланадиган амалий кўникмаларга эга бўлиш; Аҳоли ўртасида, даволаш-профилактик муассасаларида ва эпидемик ўчоқларда юқумли касалликлар профилактикаси ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ташкиллаштириш тартиби ва таркиби режаларини тузиш ва ўтказиш тартибини ўзлаштириш.</p>
<p><b>Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар</b></p>	<p><b>1.2. Фан бўйича талабаларнинг малакасига қўйиладиган талаблар</b>  <b>«Эпидемиология, ҳарбий эпидемиология» фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:</b></p> <p>тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари; касалликларнинг номенклатураси ва классификацияси; эпидемиологик текшириш усуллари, эпидемиологик ташхис (диагностика) асослари; аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши умумий қонуниятлари; юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг алоҳида гуруҳлари ва нозологик шакиллари эпидемик жараёнининг ривожланиш механизми ва намоён бўлиш сабаби ва шароитлари; профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларнинг тизими ва таркиби, қўлланиладиган препаратлар ва техник воситалар, уларнинг қўлланиш усуллари; аҳолининг эпидемияга қарши таъминланишини ташкиллаштириш; даволаш муассасалари шароитида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши хусусиятлари; касалхона ичи инфекциясининг эпидемиологик назорати ва профилактикаси асослари; даволаш профилактик муассасаларининг хисобга олиш ва хисобот ҳужжатлари; асосий қонуншунослик актлари тўғрисида <b>тасаввурларга эга бўлиши</b> зарур.</p> <p><b>Шунингдек:</b></p> <p>юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида эпидемиологик текшириш ўтказиш ва юқумли касалликлар эпидемик авж олишларининг (эпидемические вспышки) таснифини ўтказишини; ўчоқда санитария ишлов ўтказилишига кўрсатма мавжудлигини аниqlашни;</p>

	<p>асосий тиббий хужжатлар, меёрий актлар тайёрлашни бирлашма санитария-эпидемиологик лабораторияси учун белгиланган лаборатория текширувлар ва бактериологик қурол индикацияси асосини <i>билишии ва фойдалана олиши</i> зарур ҳарбийларни бактериологик қуролга қарши ҳимояси режасни тузиш бўйича <i>қўникмаларига ва тажрибага эга бўлишии</i> зарур.</p>
<p><b>Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар  билан боғлиқлиги ва узвийлиги ва олий таълимдаги ўрни</b></p>	<p><b>1.3. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва соғлиқни сақлаш тизимидағи ўрни</b></p> <p>Эпидемиология фанини ўрганиш талабаларни умум гуманитар, физика-кимёвий фанлар, тиббиёт, гигиена, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, философия, ҳарбий дисциплина, патологик анатомия, физиология, тиббий биология ва гистология каби, шунингдек клиник, гигиеник фанлар ҳамда ўқитиш учун фундамент хисобланган юқумли касалликлар, микробиология, вирусология ва иммунология фанлари бўйича ва ушбу фанлардан олган билимларига асосланади</p> <p>Эпидемиология фанининг барча бўлимлари бўйича ушбу фанлар ўқув режалари билан изчиллиги ва интеграцияси кўзда тутилади.</p> <p>Эпидемиология фани умумий амалиёт шифокорида тиббий билимлар асосини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. У бошқа фанлар билан биргаликда аҳоли касалланишлари замонавий эпидемиологик хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш, шу билан бирга талабада эпидемиологик, мантиқий ва клиник фикр юритишни ривожланишини таъминлайди.</p>
<p><b>Машғулот турлари:</b></p>	<p>маъруза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича назарий билимларни назорат қилиш;</li> <li>- тингловчиларнинг мустақил ишлиши;</li> <li>- конспект юритиш;</li> <li>- тест билан ишлиш;</li> <li>- индивидуал ва гурух тақдимоти;</li> <li>- ҳамкорлик иши;</li> <li>- муаммоли вазиятлар билан ишлиш;</li> <li>- ўқув лойиҳаси ва кейс - стади .</li> </ul>

## **Фан бўйича талабалар билими ва ўзлаштириши даражасини баҳолаш тизими**

### **1.Жорий назорат(ЖН)**

**Жорий назорат**-талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўнингма даражасини аниқлаш ва баҳолаб боришни кўзда тутилади. Жорий баҳолаш эпидемиология, ҳарбий эпидемиология фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, сұхбат, назорат иши, коллоквиум, ўргатувчи-назорат тарқатма материаллари билан ишлаш, макро- ва микропрепаратларни ўрганиш ва диагностика қилиш, мустақил ишларни бажариш, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин. Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив услубларида қатнашишнинг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

### **3.Яқуний назорат (ЯН)**

ЯН- семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш”, “Яқуний тест назорати” ёки OSCE шаклида ўтказилади. Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айrim фанларининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда академия кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан яқуний назоратлар (оғзаки, тест ва ҳоказо) бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин. ЖБ, ТМИ ва ОБга ажратилган умумий балларнинг ҳар биридан саралаш балини тўплаган талабага ЯБга иштирок этиш хуқуқи берилади.

<b>№</b>	<b>Талабанинг билим даражаси</b>	<b>Баҳоларни белгиланиши</b>	<b>Максимал балл</b>
1	<b>Хулоса қиласи ва қарор қабул қилаолади. Ижодий фикрлайди ва таҳлил (анализ)</b>	86 - 100	<b>Аъло «5»</b>

	<b>қилаолади.</b> <b>Мустақил мушоҳида юритаолади.</b> Билимларини амалий фаолиятга тадбиқ этаолади ва амалда қўллай олади, тан олади (осознает), билади, айтиб бераолади, моҳиятини тушунади, тасаввурга эга бўлиш.		
2	<b>Мустақил мушоҳида юритади.</b> <b>Амалда қўллай олади. Моҳиятни тушунади. Билади, айтиб бера олади. Хулоса чиқара олади.</b> Тасаввурга эга бўлади	71 - 85	<b>Яхши «4»</b>
3	<b>Моҳиятни тушуниш. Билади, айтиб бериш. Жавоб бераолиши.</b> Тасаввурга эга бўлиш.	55 - 70	<b>Қониқарли «3»</b>
4	<b>Билмайди (бilmаслик).</b> Фан (предмет) бўйича аниқ тасаввурга эга эмас (эга эмаслик).	<b>0-54</b>	Қониқарсиз, бўш, кўшимча шуғулла ниш тайинланади

### Тавсия этилаётган адабиётлар:

Асосий адабиётлар	Манзили
1. Беляков В.Д., Жук В.П., Военная гигиена и эпидемиология. – М.: Медицина, 1989, 320 с.	ТТА кутубхонаси
2. Беляков В.Д., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. - М.: Медицина, 1989. – 415 с.	ТТА кутубхонаси
3. Усманов М.К. - Эпидемиология Ўқув адабиёти. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 1995. – 555 .	ТТА кутубхонаси
4. Миртазаев О. М. Эпидемиологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма. – Тошкент, 2003. – 242 б.	ТТА кутубхонаси
5. Миртазаев О. М., Зуева Л.П., Г.С.Матназарова Эпидемиология– Тошкент, 2016. – 350 б.	ТТА кутубхонаси

## **Кўшимча адабиётлар ва интернет сайтлари:**

Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология.

Санкт Петербург, 2006. – 746 с

Усманов М.К. Эпидемиология Дарслик. Тошкент 1995 й.

Венцаль Р.П., Бревер Т., Бутцлер Ж.А.Руководство по инфекционному контролю в стационаре. Пер. с англ. /Под ред. – Смоленск: МАКМАХ, 2003., 272 с.

Покровский В.И. и др. Инфекционные болезни и эпидемиология. – М.: «ГЭОТАР-Медиа», 2008. – 813 с.

Б.Зиямухаммедов. Педагогик технологияларнинг ўзбек инновацион модули асосида ўқув машғулотларини лойиҳалаш методи.-2014 й.

### **2.2. ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

#### **Маъруза машғулотлари таълим технологияси.**

##### **Танланган ўкув мавзуси буйича маъруза матни:**

**Вирусли гепатитлар эпидемиологияси ва профилактикаси.  
Эпидемиологик назорат.**

#### **ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Талабалар сони - 60-100	Давомийлиги – 80 минут
Ўкув машғулоти шакли	Маъруза - визуаллаштириш
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"><li>Вирусли гепатит касалликлари эпидемиология.</li><li>Вирусли гепатит касалликлари классификацияси.</li><li>Вирусли гепатит касалликлари диагностика, дифф. диагностика.</li><li>Вирусли гепатит касалликлар профилактикаси ва эпидемияга қарши чора тадбирлар,эпидемиологик назоратни олиб бориш.</li></ol>
Ўқув машғулоти мақсади:	Вирусли гепатит касалликлар билан таништириш, диагностика ва касалликни олдини олишга қаратилган тадбирларни билиш.
Ўқитувчининг вазифалари:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
1. Вирусли гепатит касалликлари	Талаба билиши керак:

<p>Эпидемиологиясини тушунтириш.</p> <p>2. Вирусли гепатит касаллуклари хақидағи талабалар билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.</p> <p>3. Қиёсий ташхис ўтказиш қоидаларини тушунтириш.</p> <p>4. Вирусли гепатит касаллуклар профилактикаси ва эпидемияга қарши чора тадбирлар, эпидемиологик назоратни олиб бориш ҳақида қилингандык ечимларни шаклллантириш.</p> <p>5. Талабаларни касаллукни олдини олиш қоидалари билан таништириш</p>	<p>1. Касаллукни этиологияси, патогенези ва клиникаси.</p> <p>2. ВГ диагностикасини.</p> <p>3. Дифференциал диагностикаси ва симптомларни аниклиш.</p> <p>4. Чора тадбирларни билиш.</p>
Үқитиш усуллари ва техникаси	Маъруза – визуаллаштирилган, техника: блиц-сүров, йўналтирилган саволлар, “ҳа-йўқ” техникаси
Үқитиш воситалари	Лазер проектори, визуал материаллари, ахборот таъминоти
Үқитиш шакллари	Коллектив
Үқитиш шароитлари	Техник үқитиш воситалари билан ишлашга мослаштирилган аудитория

### МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ.

Муддат, босқичлар	Фаолият	
	Ўқитувчининг	талабанинг
<u>1bosқич</u> Кириш (5 мин)	1. Маруза мавзуининг номи, мақсади, режалаштирилган натижалари ва ўтказиш режаси маълум қилинади	1. Эшитади.
<u>2 босқич</u> Билимларнинг долзарблиги	2.1. Талабалар билимларини актуаллаштириш мақсадида йўналтирувчи саволлар беради, анатомия, нормал ва патологик физиология ҳақида билимларни	2.1. Саволларга жавоб беради

(20 мин)	<p>қайтаради.</p> <p>Блиц сўров ўтказади.</p> <p>2.2. Слайдларни курсатади ва шархлайди</p>	2.2. Слайдлар таркибини ўрганади
<u>3 босқич</u>  Ахборот бериш (55 мин)	<p>3.1. Режадаги саволлар бўйича маъруза материалларини талабалрга етказади, йўналтирувчи саволларга босқичли жавоб беришда визуал материаллардан фойдаланади.</p> <p>Мавзуни аҳамиятли жойларига эътибор қаратади, ёзиб олишни таклиф қиласди.</p>	<p>3.1. Берилган материаллар таркибини муҳокама қиласди, аниқлаштиради, саволлар беради.</p> <p>Асосий кисмларни ёзиб олади.</p>
<u>4 босқич</u>  Якуний (10 мин)	<p>4.1. Аниқ клиник ҳолатлардан фойдаланиб материални мустаҳкамлаш учун саволлар беради.</p> <p>4.2. Мустақил тайёрланиш учун вазифа беради.</p>	<p>4.1. Саволларга жавоб беради</p> <p>4.2. Эшитади, ёзиб олади.</p>

**Мавзуни асослаш:** Гепатит юқумли сариқ касаллиги бўлиб қадим замонлардан ўрганиб келинмоқда. Жигар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. А гепатит вируси энтеровируслар турига ва пикорнавируслар оиласига мансуб бўлиб диаметри бўйича 27 нм га teng бўлади. А гепатит вируси юқори ҳарорат, эфирлар, дезинфекцияловчи воситаларга чидамлилиги уни ташқи муҳитда узоқ сақланиб қолишини таъминлайди. келиб чиқиши исботлаб берилган.

**Маъруза мақсади:** талабаларни вирусли гепатитларнинг этиологияси ва патогенези билан таништириш. Бу касалликларнинг диагностикаси, эпидемиологияси ва олдини олиш бўйича чора тадбирларни ўргатиш.

**Маърузанинг тарбиявий мақсади:** Маъруза талабада мустақил фикр юритишига, ўз мақсадига эришишда меҳнатсевар бўлишни, қатъийятликни, жавобгарлик ҳиссини ва шахс сифатида шаклланишини ривожлантиради. Давлат микёсига эга бўлган бу оғир касалликларни даволаш ва профилактикасида келажакда врач сифатида унинг мажбуриятлари ва ролини шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

**Маъруза вазифаси:** Вирусли гепатит касалликлари ҳақида тушунча бериш, шу патологик ҳолат сабаблари ва ривожланиш механизмини

түшунтириш, касаллик кечиши вариантылари ва бошка касалликлар билан қиёсий ташхис ўтказиш билан танишириш. Касалликнинг эпидемик жараёнини ва профилактикасини түшунтириш.

### **Вирусли гепатитларнинг умумий тавсифи**

Касаллик / Кўзғатувчи	Вирус геноми	Юқиши йўли	Диагностик тестлар
Гепатит A/ HAV	Бир занжирли РНҚ, 7500 асос.	Энтерал	анти HAV IgM АлАТ/HAV-RNA/HAVAg
Гепатит B/ HBV	Икки занжирли ДНҚ, 3200 асос.	Парентерал	АлАТ/HBV-DNA, HBsAg, HBeAg, анти-HBc IgM, вируснинг бошқа антигенларига антителолар
Гепатит C/ HCV	Бир занжирли РНҚ, 9500 асос.	Парентерал	АлАТ/HCV-RNA, гепатит С вирусига антитело
Гепатит D/ HDV	Бир занжирли РНҚ, 1700 асос	Парентерал	HDVAg, HDV-RNA, гепатит Д вирусига антитело
Гепатит E/ HEV	Бир занжирли РНҚ, 7500 асос	Энтерал	АлАТ/HEV-RNA, гепатит Е вирусига антитело
Гепатит G/ HGV	Бир занжирли РНҚ, 9500 асос	Парентерал	HGV-RNA

### **Вирусли гепатитларда эпидемик жараён кўринишлари**

№	Эпидемик жараён кўринишлари	ГА	ГВ	ГС
1	Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси	Даврий тебранишлар мавжудлиги	Кузатилмаган	Даврийлик хос эмас
2	Касалланишнинг йиллик динамикаси	Мавсумий тебранишлар мавжудлиги	Кузатилмаган	Мавсумийлик хос эмас

3	Энг касалланувчи күп ёш гурухлари	1 дан 14 ёшгача болалар	1 гача болалар ва катта ёшлилар	Катта ёшлилар
4	Аҳолининг энг күп касалланувчи ижтимоий ва касбкор гурухлари	«Уюшган» жамоалардаги болалар	Гемопрепаратларни қабул қилувчи пациентлар, гемофилия беморлари, сурункали касалликка чалинган беморлар, наркоманлар, тиббиёт ходимлари	Гемопрепаратларни қабул қилувчи пациентлар, гемофилия беморлари, сурункали касалликка чалинган беморлар, наркоманлар, тиббиёт ходимлари

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎҚИТИШ.

#### *Таълим берииш технологияси (амалий машғулот)*

<b><u>Вакт: 6-соат</u></b>	<b><u>Талабалар сони: 13-14 та</u></b>
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Амалий машғулот
Ўқув машғулотининг тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кириш қисм.</li> <li>2. Назарий қисм</li> <li>3.Аналитик қисм: -органайзер -Тест ва вазиятли масалалар</li> <li>4. Амалий қисм.</li> </ol>
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларга В, С ва Д гепатитларнинг эпидемиологияси, профилактикаси, олдини олиш чора-тадбирлари борасидаги назарий билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
Талаба билиши керак:	В, С ва Д гепатитларнинг юқиши омилларини.
Талаба бажара олиши лозим:	В, С ва Д гепатитларнинг олдини олиш чора-тадбирларни.
Педагогик вазифалар: - В, С ва Д гепатитларнинг эпидемиологияси	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- В, С ва Д гепатитларда эпидемик жараённи вужудга келтирувчи омилларни.</li> <li>- В, С ва Д гепатитларида эпидемик жараённи</li> </ul>

хақида тушунча бериш.  - В, С ва Д гепатитларнинг ўзига хос хусусиятлари хақида тушунча бериш.  - В, С ва Д гепатитларда профилактик чора – тадбирларни ўргатиш.  В, С ва Д гепатитлари бўйича талабаларда қизиқиш уйғотиш.	ривожланиш механизмини.  - В, С ва Д гепатитларнинг аҳоли орасида тарқалганлик даражасини.  - В, С ва Д гепатитларига қарши профилактик чора – тадбирлар ишлаб чиқиши.  Талабаларда ақлий фикр юритишни ўстириш, В, С ва Д гепатитларнинг олдини олишни ташкиллаштириш, қиёсий ташхислаш тадбирлар кетма – кетлик чизмасини тўғри тассавур қилиши, танқидий мулоҳазани шакллантирадилар;  Талабаларга В, С ва Д гепатитларнинг эпидемиологиясини, профилактикасини тартибли равишда очиб берадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, ақлий ҳужум, ҳикоя, намойиш, видеоусул, амалий иш усули, китоб билан ишлаш, сухбат, таълимий ўйин, пинборд, органайзер.
<i>Таълим шакли</i>	Жамоавий, гурухларда ишлаш («Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг»), якка тартибли
<i>Таълим воситалари</i>	Доска-стенд, видеофильмлар, график, диаграммлар, чизма, схема, эслатма, назорат варағи, матнлар, назорат саволлари, тестлар, вазиятли масалалар.
<i>Таълим бериши шароити</i>	-Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хоналар -Тегишли жадваллар, схемалар, слайдлар -Янги педагогик технологиялар -Ўргатувчи-назорат қилувчи дастурлар. Ўз.ССВ нинг буйруқлари, методик қўлланмалари ва бошқалар ва Ўз СанҚвам №0239-07
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров, ёзма сўров: тест

## **Ш-БОБ. ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ТЕХНАЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР**

### **3.1. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИ.**

Талабаларнинг Эпидемиология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим ахамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади. Амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

#### **Ўқитиши жараёнида компьютер ва ўқитишининг бошқа замонавий усулларини қўллаш**

Талабаларнинг билим даражаси ўқитиши бўйича дунёдаги илм фан ва амалиёт талаблари даражасига мос келиши керак. Ўқув жараёнини таъминлашда компьютер технологияларидан «Интернет» ахборот базасидан фойдаланиш, шунингдек услубий, аудио ва визуал қўлланмалар бўлишига эътибор бериш лозим. Мавзуни кенг ёритиш мақсадида: “Кластер”, “ФСМУ”, “CWOT”, “Инсерт” каби илғор педагогик технологиялар ва “Конференция”, “Чарпалак”, “Вазиятли масалалар” “Ақлий хужум” каби дидактик ўйинлардан фойдаланилди. Янги педагогик технологияларни қўллаган холда студентларни ўқитиши, яъни дарс жараёнида кичик групкаларда ишлаш хамда улар билимини назорат килишда: OSCE, қадамбакадам назорат қилиш усули ва х.к бўлишига эътибор бериш лозим.

#### **“Кластер” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласида. Мазкур метод асосида муаммо тўрт йўналишда кўриб чиқиб, муҳокама қилинади:

**Методнинг ахамияти:** Иштирокчиларни мия фаолиятини фаол ишлашга унрайди.


**Кўлланилиши:** Таълим олувчиидар билан якка тартибда ёки гурух шаклда ташкиллаштирилади.

#### **Кластер методи шартлари:**

1. Мавзу жихатдан нима ўйлаган бўлса шуни қофозга туширади.
2. Белгиланмаган вақт нихоясига етмагунча, ёзишдан тўхамайди. Агарда маълум муддат фикр ўйлай олмаси, у холатда мавзу бўйича расмлар чизилади. Бу харакат янги фикр туғулгунча давом этади.

3. Муайян түшүнчө дойрасида имкон қадар күпроқ янги фмкrlар илгари сурилади, фикрлар ўртасида алоқадорликларни күрсатишга ҳаракат қиласы.

### **Хар -хил биологик ашёларда вирусли гепатит В концентрацияси бўйича кластер тузилмаси**



## БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАҲОРАТЛАРНИНГ НАЗОРАТ ШАКЛЛАРИ ФСМУ МЕТОДИ

### ФСМУ МЕТОДИ:

- **Технологиянинг мақсади:**  
Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, тақкослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат кипали

Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- **Ф** – фикрингизни баён этинг.
- **С** – фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.
- **М** – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

- У – фикрингизни умумлаштиринг.

## «SWOT-таҳлил» методи.

- **Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур метод асосида муаммо тўрт йўналишда кўриб чиқиб, муҳокама қилинади:

**S – (strength) – кучли томонлари**  
**W – (weakness) – заиф, кучсиз**

**Вирули В гепатитда иммунопрофилактикани ахамияти:**

<b>S</b>	<b>Иммунопрофилактикандан фойдаланиши-нинг кучли томонлари</b>	<b>Вирули В гепатит касалликни олдини олишда самарали фойдаланиши</b>
<b>W</b>	<b>Иммунопрофилактикандан фойдаланишнинг кучсиз томонлари</b>	<b>Вакциналарни чет давлатлардан сотиб олиниши</b>

<b>O</b>	<b>Иммунопрофилактикадан фойдаланишинг имкониятлари (ички)</b>	<b>Юқумли касалликларнинг олидини олишда бази бир касалликларни батамам йўқотиш</b>
<b>T</b>	<b>Тўсиқлар (ташқи)</b>	<b>Техника ва шахс омилининг қарама - қаршилиги</b>

### **“Конференция “ ўйини**

**Максад:** Иштирокчининг ўз билимларини тўла тўқис кўрсатиш.

Билимини намоён килиш:

**Афзаллиги:**— Иштирокчининг нутқ маданиятини ошириш, келажакда ўзига ишончини орттиради.

Ушбу ўйин қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-бiri билан фикр алмашишга ундейди.

**Қўлланилиши:**: Бу ўқув топшириқни якка ва ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашга мўлжалланган таълимни ташкил этиш шаклидир

### **“Конференция “ ўйини шартлари**

“Конференция” ўйини, гуруҳ 2га бўлинади

Олимлар ва талабалар

Олимлар презентацияда берилган мавзуда энтерал ва парентерал мавзуда презентация қилишади

Талабалар савол жавоб қиласди

### **“Заковат” ўйини**

**Максад:** Таълим оловчиларни ўқув жараёнида мантиқий фикрлашга, ўз фикрларини мустақил эркин равишда баён этишга, ўзларини баҳолаш, якка ва гурухларда ишлашга, бошқаларни фикрини хурмат қилишга ўргатади.

**Афзаллиги:**- Ушбу ўйин қўлланилганда таълим оловчиларнинг ўтилган мавзуларни эслашга, ўз-ўзини баҳолашга ўргатади.

**Қўлланилиши:** Мазкур ўйин ўқув машғулот давомида якка, кичик гурух, жамоа шаклда амалга оширилади.

### **“Заковат” ўйини шартлари:**

- 1.** Талабалар 2-гурухга бўлинади.  
 1-чи гурух номи ”Эпидемиологлар”  
 2-чи гурух номи “Вирусологлар”
- 2.** Ўйинни ” Эпидемиологлар” гурухи бошлаб беради.Чархпалак айлантирилади.Қайси саволга тушса ,ўша гурухнинг талабаси шу саволга жавоб беради.
- 3.** Ўйинни “Вирусологлар” давом эттиради.Чархпалак айлантирилади.Қайси савол тушса ,ўша гурухнинг талабаси шу саволга жавоб беради.
- 4.** Жадвалда талабалар олган баллари бирин кетин ёзиб борилади, баллар ёзиб қўйилган.

№	Командалар	1- талаба	2- талаба	3- талаба	4- талаба	5- талаба	Умумий баллар	Голиб/ мағлуб
		балл <b>point</b>	Балл	Балл	Балл	балл		
1	Эпидемиологлар							
2	Вирусологлар							

-тўлиқ жавоб берди, жуда яхши – 5 бал

- жавоб берди.яхши- 4 бал

-тўлиқ жавоб йўқ,ўрта – 3 бал

- жавоб бермади,ёмон – 0 бал

**5.** Баллар хисобланиб ғолиб каманда аниқланади.

### **“Вазиятли масалалар” ўйини**

**Максад:** Таълим олувчиларни муаммоли вазиятларни сабаб ва оқибатларини тахлил қилиш ҳамда билим ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

**Афзалиги:**- Бу ўйин қўлланганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишга, масалаларни ечимини топишга ўрганадилар..

**Қўлланилиши:** Мазкур ўйин ўқув машғулот давомида якка,кичик гурух,жамоа шаклда амалга оширилади.

### **“Вазиятли масалалар” ўйини шартлари:**

- 1.**Талабалар 2-та гурухга бўлиниали.Вазиятли масалалар тўпламига жавоб беради.
- 2.** Биринчи группага 2чи группа вазиятли масалаларни тақдим этади, ўзаро мухокама 1 –минут. Бу группа бирин-кетин жавоб беради.
- 3.** Иккинчи группага 1чи группа вазиятли масалаларни тақдим этади, ўзаро мухокама 1 –минут. Бу группа бирин-кетин жавоб беради.
- 4.**Тўлиқ жавоб берган группа 1-ўринни эгаллайли.Совғалар тақдим этилади. Агар кучлар teng бўлса иккала группага хам совғалар берилади.

## **“Ақлий ҳужум” үйини**

**Максади:** Муайян мавзу бўйича муаммоли ечимни талабалар жамоасига ҳавола қилинади ва улар томонидан билдирилган фикрларни тўплаб бир ечимга келинади.

**Афзалиги:-** Ушбу үйин қўлланилганда таълим олувчиларнинг ўтилган мавзуларни эслашга, ўз-ўзини баҳолашга ўргатади.

**Қўлланилиши:** Бу усулларни оғзаки ва ёзма шаклда ўтказса бўлади.

### **“Ақлий ҳужум” үйини шартлари:**

Ҳеч қандай бирга баҳолаш ва танқидга йўл қўйилмайди!

Таклиф этилаётган ғояни баҳолашга шошма, агарда у ҳаттоки ажойиб ва ғаройиб бўлса ҳам – ҳамма нарса мумкин.

**Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар қимматли, тенг кучлидир.**

**Ўртага чиқувчини фикрини бўлма!**

**Туртки беришдан ўзингни ушла!**

**Мақсад миқдор ҳисобланади!**

Қанча қўп ғоялар айтилса ундан ҳам яхши: янги ва қимматли ғояларни пайдо бўлиши учун кўп имкониятдир.

**Агарда ғоялар қайтарилса, ҳафа бўлма ва хижолат чекма!**

**Тасаввурингни “жўш уришига” рухсат бер!**

## ХУЛОСАЛАР

Маърифатли ва маданиятли дунёнинг таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, шунингдек, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган муҳит ҳамда унда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти катта бўлади. Зеро шахс мансуб бўлган муҳитда унинг тафаккури, маънавий ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив хуросалар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим соҳасида олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича ислоҳатлар мамлакат иқтисодиётини малакали мутахассислар билан таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан урашувда шундай дедилар: **”Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм- фансиз тассавур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади”.**

Бу модел вужудга келтирган илмий техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиласидан технологияларни амалиётга кенг жорий этишда юқори малакали иқтидорли илмий кадрар сонини кўпайтиришга асосланади.

Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришинг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қиласи. “Эпидемиология” фанинг танлаб олинган мавзуларига тузилган режалар асосида Б.Блум таксономияси категорияларини қўллаб ўқув мақсадлари аниқланди, ҳамда улар жадваллар шаклида келтирилди. Таълим олувчи билимини ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат қилиниши мақсадида ўқув материалларига оид назорат саволлари тузилди.

Мавзуни кенг ёритиш мақсадида: “Кластер”, “ФСМУ”, “CWOT”, “Инсерт” каби илғор педагогик технологиялар ва “Конференция”, ”Чархпалак”, “Вазиятли масалалар”, “Ақлий ҳужум” каби дидактик ўйинлардан фойдаланилди. Танланган мавзулардан “Вирусли гепатитлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Эпидемиологик назорати” мавзусини ўқитиши бўйича машғулотнинг технологик харитаси тузилди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

### **I. Норматив - хуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2016.
  2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
  3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
  4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 - сонли Қарори.
  5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги № 3-сонли Қарори.
  6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 242-сонли Қарори.
  7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли ва 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли, 2014 йил 16 декабрдаги 14-сонли буйруғлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.
  8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаси факультетлари тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2011 йил 3 декабрдаги № 487-сонли буйруғи.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан урашувдаги сўзлаган маърузалари.
  10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” 25 сонли қарори Ж. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами -Т., 2006-№2 -13 10-116.

11. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури” тўғрисидаги Президент Фармони “Таълим тараққиёти” Ж. 2004, 3 сон, 26 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ХТВ ҳузурида мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарорлар.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари:**

13. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” -Т., “Маънавият”, 2008 й

14. Каримов И.А. “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” - Т., “Ўзбекистон”, 1997 й,

15. Каримов. И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” -Т., “Ўзбекистон”, 1992 й,

16. Каримов И.А. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”-Т., “О’збекистон”, 1994 й

### **3. Махсус адабиётлар.**

18. Олий таълим. Меъёрий - хуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т., 2004.

19. Олий таълимнинг меъёрий-хуқуқий хужжатлари тўплами. -Т., 2013.

20. Зиямуҳаммедов Б “Педагогик технологияларнинг ўзбек инновацион модели асосида ўқув машғулотларни лойихалаш методикаси”

21. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. –Т., 2015.

### **4. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

22. Елкин И.И. Эпидемиология, М. – 1979 г.

23. Миртазаев О.М. «Эпидемиологиядан амалий машғулотлар учун ўқув қўлланма», Тошкент – 2015 й.

24. Усманов М.К. Эпидемиология Дарслик. Тошкент 1995 г.

25. Ўзбекистон Республикаси ССВнинг Буйруқлари, СанМваҚлари

26. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. «Эпидемиология» Санкт-Петербург

28. Last J. M. A dictionary of Epidemiology, 4<sup>nd</sup> edition. New York, Oxford: IEA, Oxford University Press, 2001.


29. Leon Gordishning Kanadada chop etilgan “Epidemiology” қўлланмасини ўзбек ва рус тилидаги таржимаси.

30. Миртазаев О.М., Зуева Л.П., Матназарова Г.С. Эпидемиология Тошкент 2016 й.

**5. Электрон таълим ресурслари.**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. [tma.uz](http://tma.uz)





MUHARRIRIYAT VA NASHRIYOT BO'LIMI

---

---

Объем – 1,8 уч. изд. л. Тираж –100. Формат 60x84. 1/16. Гарнитура «Times New Roman»  
Заказ № 0891 -2021. Отпечатано РИО ТМА  
100109. Ул. Фароби 2, тел: (998 71)214-90-64, e-mail: rio-tma@mail.ru